

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА ОТЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИНИНГ ИЗОМОРФИК ВА АЛЛОМОРФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Наргиза Эргашбаевна Юлдашева

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Тошкент, Ўзбекистон

## ИЗОМОРФИЧЕСКИЕ И АЛЛОМОРФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ СЛОЖНЫХ СЛОВ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Наргиза Эргашбаевна Юлдашева

Узбекский государственный университет мировых языков  
Ташкент, Узбекистан

## ANALYSIS OF THE COMPOUND NOUNS AND THEIR ISOMORPHIC AND ALLOMORPHIC FEATURES

Nargiza Ergashbaevna YULDASHEVA

Uzbekistan State World Languages University  
Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 372.881.111.1

**For citation (иктибос келтириш учун,  
для цитирования):**

Юлдашева Н.Э. Инглиз ва ўзбек  
тилларида қўшма отлар қўлланилишининг  
изоморфик ва алломорфик  
хусусиятлари //Ўзбекистонда  
хорижий тиллар. — 2020. —  
No 2(31). — С.153-162.

<https://doi.org/10.36078/1588930165>

**Received:** December 12, 2019

**Accepted:** February 17, 2020

**Published:** February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).  
This work is licensed under the Creative  
Commons Attribution International License  
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма отлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма отларнинг хусусиятлари, жумладан, уларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари тадқиқ этилган. Хусусан, уларни шакллантирувчи омиллар очиб берилган. Тилшуносликда қўшма отлар муаммоси кўплаб тилшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, қўшма сўзларни сўз бирикмасидан фарқловчи белги-хусусиятлар қатъий белгиланмаган. Тил луғат бойлигида алоҳида ўринга эга бўлган қўшма сўз аслида воқеликда содир бўлаётган ҳодисалар, мавжуд предметлар тўғрисидаги тушунчаларни оддий йўсинда аташнинг қулай усулидир. Қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқловчи асосий белгилар мавжуд бўлиб, улар мазкур мақолада асослаб берилган. Қўшма сўзларга тегишли бўлган яна бир хусусият улардаги идиоматикликдир. Қўшма сўзларнинг идиомалашиб сабаблари жадвал асосида тушунтирилиб, изоҳланган. Қўшма сўзларнинг функционал семантикаси масаласи ҳақида кўп тилшунослар ўз фикр муносабатларини билдирган ва мақолада уларнинг фикрлари таҳлилга тортилган ҳолда хулосалар чиқарилган. Бундан ташқари, мақолада ясама сўзлар ҳақида ҳам фикр юритилган. Ясама қўшма сўзлар умумий қўшма сўзлар таркибидан ажралиб чиққан сўзлар бўлиб, ўзларининг баъзи бир хусусиятлари билан содда қўшма сўзлардан фарқ қилади. Ясама қўшма сўзлар содда қўшма сўзлардан энг аввало ўзларининг ясалаш усуллари билан фарқланиши асосланган. Бироқ ҳеч қайси белги-хусусият қўшма сўзлар табиатини белгилашда етакчи омил бўлмаслиги илмий мисоллар билан кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** қўшма сўз; функционал грамматика; коммуникатив грамматика; турғун сўз бирикма; идиоматиклик ходисаси; изоморфик; алломорфик; прагматика; фразеологизм.

**Аннотация.** В статье рассматриваются изоморфные и алломорфные особенности сложных слов на английском и узбекском языках. В частности, в статье объясняются факторы, которые сформировали их. Несмотря на то что проблема сложных слов изучается многими лингвистами, сложные слова четко не отличаются от словосочетания. Словарный запас, который занимает особое место в языке, — это, по сути, события, происходящие в реальности, самый простой способ представить простые понятия о предметах. Словосочетание основано на комбинации слов. Другой аспект, который имеет отношение к рассматриваемым единицам, — это идиоматичность. Причины идиоматичности сложных слов объяснены в статье. Многие лингвисты высказывают свои взгляды на функциональную семантику сложных слов, а в статье анализируются их аргументы и выводы. Кроме того, в статье также обсуждаются производные слова. На примерах доказано, что ни один конкретный атрибут не будет ведущим фактором в определении природы общих слов.

**Ключевые слова:** сложные слова, функциональная грамматика; коммуникативная грамматика; устойчивые словосочетания; идиоматичность; изоморфизм; алломорфизм; прагматика; фразеологизм.

**Abstract.** The article is devoted to the analysis of the compound nouns and their specific features. According to their usage isomorphic and allomorphic factors of compound nouns in English and Uzbek languages and their formation have been identified. In particular, they reveal the formative factors that constitute compound nouns. Problems of compounds are learnt by some scientists, however, the distinctive features of compounds from the word combinations are not stated as stable. A word that has a special place in a dictionary is the easiest way to simply comprehend the concepts of the subject and try to isolate the main characters from the object. Another feature associated with compound words is its idiomatic feature. The reasons of idiomatic compounds are represented and scrutinized on a chart. Furthermore, the problem of functional semantics in compound words is examined by plethora of scientists and scholars whose ideas and views are applied for drawing conclusions by analyzing them in this article. In addition, one of the most actual issues of modern linguistics — derived words are figured out more widely. The disparate features between derivative words and compound words are discussed and their diverse peculiarities are pointed out. However, no sign is the leading feature in defining the nature of compound words. The article addresses such issues as comprehensive coverage.

**Key words:** compound word; functional grammar; communicative grammar; stable word combination; idiomatic words; isomorphic; allomorphic; pragmatics; phraseology.

**Кириш.** Қўшма сўз тил луғат бойлигида алоҳида ўринга эга бўлиб, воқеликда содир бўлаётган ходисалар, мавжуд предметлар тўғрисидаги тушунчаларни оддий қулай усулда аташдир. Қўшма сўзлар ҳақида қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, нутқий мулоқотда қўшма сўзлар таҳлили борасида айрим баҳсли масалалар мавжуд (2, 27–32).


Қўшма сўзларнинг турли кўринишдаги нутқий тузилмалар, шу жумладан, фразеологик бирликлар таркибида қўлланиш хусусиятларини ўрганишдан аввал уларнинг ўзларидаги лексематик, номинатив белгиларини аниқлаш эҳтиёжи туғилади. Маълум бир турдаги тил бирликларини қўшма сўз сифатида талқин этиш учун ушбу бирликлар бир қатор шаклий ва мазмуний белгилар мажмуасига эга бўлиши лозим. Аммо бундай белгилар барча ҳолатларда ҳам бир хил кўринишда намоён

бўлавермайди. Шунинг учун қўшма сўзларнинг тўлиқ таснифини бериш ва уларни бошқа турдош, кўриниш жиҳатидан яқин ҳодисалардан фарқлаш осон вазифа эмас. Бинобарин, қўшма сўзларни бир томондан аффиксли ясама лексемалардан, бошқа бир томондан эса, аналитик атамалар бўлган фраземалар ёки эркин сўз бирикмаларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган “ўлчам”ларини топиш керак бўлади (5, 78).

Бу йўналишдаги изланишлар мантиқан икки асосий мақсадни кўзлайди: қиёсланаётган бирликларни фарқлаш ва ўхшаш томонларини аниқлаш. Қўшма сўзнинг сўз бирикмаси билан ўхшашлик томони унинг “ички синтаксиси”, яъни пайдо бўлиши учун асос бўлган синтактик тузилма билан муносабатида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, *the house has many stories — a many — storied building* — уйнинг кўп қавати бор, кўп қаватли бино; *the child is three years old child* — бола уч ёшда, уч ёшли бола каби қаторларни солиштирганда, қўшма сўзлар замирида турли кўринишдаги нутқий қурилмалар ётганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ қўшма сўз ҳосил бўлиши оддийгина бирор-бир синтактик бирикманинг трансформацияси — кўчиши сифатида қараш маҳсулдор нуқтаи назар эмас. Бу каби фикрлар аллақачон генератив грамматика тажрибасида ўз аксини топган. Трансформация, номинализация каби ҳаракатлар тил ҳодисалари таркибий тузилишини кўрсатишда кўл келса ҳам, сўз ясалиши моҳияти нутқий мулоқотда тил бирликларини тежаш тамойилининг устиворлигида ҳам қўринади. Нутқ тизимида ҳар доим ҳажм жиҳатидан кичик бўлган, лексик бирик воситасида иложи борица кенг миқёсдаги ахборотни маълум қилиш ҳаракати сезилади.

#### 1-жадвал



Қўшма отларнинг турғун сўз бирикмалари билан алоқаси ўрганилаётганда асосий эътибор уларнинг ўхшаш томонларига қаратилаётгандек туюлади. Бундай ўхшашлик лексик бириклар маъно қисмларининг шаклланишида, уларнинг идиома кўринишини олишда кўзга ташланади. Қўшма отнинг лексик маъноси турли сабабларга кўра идиомалашади. Жумладан, 1) қўшма отлар тўғридан-тўғри фразеологик бирикмалардан ясалиши мумкин; 2) қўшма от дастлабки маъносини ўзгартириш эҳтимоли мавжуд; 3) идиоматик маъно қўшма от бошқа тилдан ўзлаштирилаётганида (калькалаштириш йўли билан) туғилади (3, 4).

Қўшма сўз мазмун жиҳатидан турғун сўз бирикмасига жуда ҳам яқин туради. Бу яқинлик айниқса, фразеологик бирикма маъносининг нутқ жараёнида эркин қўшма сўзга кўчишида кўринади. Масалан, инглиз тилидаги *to oil one's palm* “пора бермоқ” (сўзма-сўз: “қўлини ёгламоқ”) турғун бирикмаси заминида *bribe* “пора” (сўзма-сўз: “қўл ёғи”) лексемалари пайдо бўлган. Аммо бундай таркибий ва маъно ўхшашлиги қўшма сўзнинг фразеологизмлар билан алоқасининг биргина томонидир. Ушбу алоқанинг яна бир эътибордан четда қолиб келаётган томони мавжудки, уни ўрганмасдан туриб, тил бирликларининг структуравий-семантик хусусиятларини, уларнинг нутқий мулоқот тузилмаларидаги вазифасини тўлалигича ёритиш мушкул бўлиб қолаверади. Чунончи, қўшма сўзларнинг тил тизими луғат жамғармасида мавжуд бўлган кўплаб фразеологик бирикмалар таркибида қўлланиши барчага маълум ходисадир. Бироқ бу сўзлар тайёр луғавий “хом ашё” сифатида қўлланиладими ёки улар бевосита нутқ жараёнида юзага келадими, ушбу сўзларнинг турғун бирикма мазмунига таъсири қандай, деган қатор саволлар ҳалигача ўз жавобини кутмоқда.

К.Тўхтаеванинг фикрига кўра, қўшма сўз ҳар қандай ясама луғавий бирлик каби нутқий ва мантиқий фаолият маҳсулидир. Бундай фаолият ички ва ташқи томондан мукамал бўлган лингвистик ҳамда тафаккур ҳаракатлари асосида юзага келиб, унинг натижасида нутқий фаолият ижодкори ташқи оламдаги предмет, ходисаларни идрок этади, уларнинг умумий қатордаги ўрнини аниқлайди, бошқалари билан қиёслайди, кейин эса уларга ном беради, атайди. Аташ фаолияти кўпгина ҳолатларда “иккиламчи” лингвистик ҳаракат бўлиб, бунда тил тизимида мавжуд бўлган бирликлар жараёнининг асосий мазмунини тўлиқ очиб бериш қудратига эга эмас. Зеро қўшма сўз ҳосил бўлиши жараёнининг фақатгина синтаксис нуктаи назаридан талқин қилиш унинг бошқа, жумладан, семантик ва функционал хусусиятларини инкор қилиш хавфини туғдиради. Холбуки, синтаксис кўпгина ҳолатларда семантикага нисбатан иккиламчи ўринни эгаллаб, у маълум бир мазмунни шакллантириш вазифасини ўтайди холос. Қўшма сўзнинг луғавий ҳодиса эканлигини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан бири унинг ўзига хос номинатив (аташ) функциясини бажариш имкониятига эга бўлишидир.

Қўшма сўз яшаш жараёни мукамал семантик фаолият натижасидир. Бу жараёнда биз турли хил номинатив воситаларнинг ўзаро мослашуви замирида ўзига хос маъноларнинг бирикиши юзага келишини кўраимиз. Қўшма сўз ва нутқий-семантик тузилма, даставвал, ташқи дунё воқеа-ходисаларининг турлича инъикоси натижасидир. Бу икки ҳолатда воқеликда юзага келаётган ҳодиса, предметнинг бутунлай бошқа-бошқа томонлари ва белгилари ажратиб олиниб, алоҳида бўрттириб кўрсатилади (масалан: *wooden-legged - leg made of the wood*) ёки бошқача кўринишдаги мантиқий муносабатларни ифодалаш мақсади амалга оширилади. Синтактик тузилма ва қўшма сўз бир хил референтга яъни номинатив асосга эга бўлмаслигини, уларнинг негизида турган мантиқий фикр-мулоҳазанинг ўзаро мос келмаслигида ҳам кўриш мумкин. Қиёсланг: *he drives a car* — у машина ҳайдайди, *a car driver* — машина ҳайдовчи. Бундай мутаносибликнинг сабаби ўз-ўзидан равшан: синтактик тузилма коммуникатив бирлик бўлиб, у бевосита нутқий мулоқот жараёнида юзага келади, қўшма сўз эса номинатив бирлик, унинг нутқда қўлланиши бевосита, яъни нутқий-синтактик тузилмалар таркибига кириши асносида амалга оширилади (1, 21).

Синтактик қурилма ва номинатив бирлик — қўшма отнинг турли хил вазифаларни бажариши натижасида уларнинг бирида аниқ предмет,

ходиса ҳақида фикр юритилса (масалан: *the pear looks like an apple*), иккинчисида эса реферант аниқ эмас, умуман, маълум гуруҳга, турга кирувчи предмет аталади (анжир шафтоли).

Хуллас, қўшма сўзнинг бошқа тил ҳодисалари билан бўлган муносабатини таҳлил қилиш, унинг тил тизимидаги ўрни ва семантик хусусиятларининг шаклланиш йўллари аниқлашга хизмат қилади.

Қўшма сўзларнинг функционал семантикаси масаласи ҳақида кўп тилшунослар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Шулардан бири И. Солиев бўлиб, у ўз мақоласида инглиз тилининг сўз ясалиш тизимида ясама сўзлар муаммоси алоҳида категориал тип сифатида қаралиши ҳақида гапириб, қўшма сўзлар юзасидан олиб борилган ишда ясама сўзлар ҳақида, уларнинг функционал аспекти ҳақида деярли сўз юритилмаган, агар юритилган бўлса ҳам, шунчаки, йўл-йўлакай қайд этиб ўтилганлигини таъкидлайди (1, 83).

Маълумки, кўпчилик олимларнинг фикрича, ясама қўшма сўзлар умумий қўшма сўзлар таркибидан ажралиб чиққан сўзлар бўлиб, ўзларининг маълум бир хусусиятлари билан содда қўшма сўзлардан фарқ қилади. Ясама қўшма сўзлар содда қўшма сўзлардан энг аввало ўзларининг ясалиш усуллари билан фарқланади. Ясама қўшма сўзларнинг иккиламчи референцияли тури таркиб жиҳатидан ҳам энг мураккаби ҳисобланади. Янги прагматик маъно аффикслар қўшилиши ёрдамида аввалроқ бир-бирига қўшилган сўзлар тўғри ёки идиоматик маъноларига қўшимча тарзда қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Масалан: *high-flier*, *high-scaler* қўшма-ясама сўзларнинг иккинчи қисми бўлган *flier* ва *scaler* сўзлари луғатларда берилган бўлса, уларнинг маъноси бутун қўшма сўзнинг маъносидан бироз фарқ қилади. Қўшма сўзнинг умумий референциал маъноси ва унинг таркибини ташкил этувчи сўзлар референциал маънолари ўртасидаги муносабатини, табиатини ўрганиш қўшма сўзлар функционал-семантикасини тадқиқ этишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бу нарсани тадқиқ этишда идиоматик ҳодисасининг мавжудлигига эътибор қаратишимиз керак. Бу мезонга кўра қўшма сўзлар уч гуруҳга бўлинади:

**Биринчи гуруҳга** референциал маъноси идиоматиклик характериға эга бўлган қўшма сўзлар киритилади. Бу гуруҳга кирган сўзлар билан трансформация ёки субституция процедураларини амалга ошириб бўлмайди. Масалан: *catcall*, *skylight* қўшма сўзлари шу гуруҳга киради. *Catcall* — *\*the call of a cat*, *Skylight* — *\*the light of a sky*, *mushroom* — *\*the room for mush*, *dogcall*, *catcry*, *skyshine*, *catsound*, *earthlight*.

Туютовон, айиктовон, бўтакўз, Тангатопади, Сотиболди, Қорақулок, Мингдевона, кўксултон, бўрикалла, қораялок, қизилиштон.

**Иккинчи гуруҳга** кирувчи қўшма сўзлар референциал маъносининг табиатига кўра ноидиоматик референциал маънога эга бўлган қўшма сўзлар бўлиб, улар билан трансформация қилиш ва биринчи элементнинг субститутциясини амалга ошириш мумкин. Бу гуруҳ қўшма сўзларига мисол қилиб *bedroom*, *sitting-room*, *ball-room*, *crush-room*, *green-room*, *bathroom* каби сўзларни келтириш мумкин. *Bedroom* — *the room for beds*, *sitting-room* — *the room for sitting*, *ball-room* — *the room for balls*, *bathroom* — *the room for bathing*.

Бу гуруҳга бундан ташқари *blue-book*, *cash-book*, *cheque-book*, *day-book*, *guide-book*, *hand-book*, *horn-book*, *log-book*, *mess-book*, *note-book*, *school-book*, *song-book*, *text-book*, *word-book*, *work-book*, *stock-book* каби сўзларни ҳам киритиш мумкин. Бу каби қўшма сўзларда иккинчи компонент қайсидир маънода доимийлик ва такрорийлик характериға эга ва шунинг учун бу ерда иккинчи доимий компонент бўлган моделнинг нутқдаги реализацияси кузатилади, десак муболаға бўлмайди. Бу гуруҳ



анчагина сермахсул гуруҳ ҳисобланиб, нутқда янгидан-янги кўшма сўзлар шу модел асосида кўплаб яратилади. Масалан: *farmyard, churchyard, bookland, clubland, Disney-land, dockland, dreamland, filmland, starland, downland, grassland, homeland, tableland, headland, highland, moorland, woodland*.

Ўзбек тилида *оиҳона, чойхона, гулхона, меҳмонхона, ишхона, мактабхона, машқхона, девонхона, қоровулхона, таванхона, касалхона, қассобхона, саргарошхона, иссиқхона, отхона, Тўрқовок, носқовок, ошқовок, попуққанд, оққанд, Лайлактепа, Оқтепа, Хирмонтепа, Бешкўрғон, Оқкўрғон, Тўрақўрғон*.

**Учинчи гуруҳ** кўшма сўзлар ўзларининг референциал маъносининг табиатига кўра ноидиоматикдир. Тузилиши ва ташкил этувчи белгилари ўртасидаги муносабатларга кўра у иккинчи гуруҳга жуда ўхшашдир. Иккинчи гуруҳдан фарқи шундаки, кўшма сўзнинг умумий референциал маъноси кўшма сўз иккинчи компонентининг референциал маъносига тенг бўлади, биринчи компонентни эса бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайди. Масалан: *beehive* — *hive*. Бошқа мисоллар: *blow-out, cut-off, runaway, draw-back, stand-still, frame-up, down-pour, income, offset, outbreak, outlet, overdress, handshake, cock-shy, earthquake, hold-all, sundown, nosegay, E-boat, V-day* ва ҳоказолар.

Ўзбек тилида: кўзойнак, тиллақош, аччиктош, музқаймоқ, қирқоёқ, Кўшма сўзлар функционал аспектининг таҳлили уни ташкил этувчи сўзларнинг референциал маъносини бутун кўшма сўз референциал маъноси ўртасидаги муносабати, референциал маъноси табиати каби масалалардир. Бу ўринда биз мана шу нуқтаи назардан кўшма сўзларнинг референциал маъноси табиатини кўриб чиқамиз.

*Insecticide* — хашаротларни қириш учун восита; *fratricide* — қариндошлар, биродарларнинг бир-бирини ўлдириши; *homicide* — қотиллик, қотил; *genocide* — геноцид, одамларни ўлдириш. *-cide* элементи ўзак морфема бўлиб, у “ўлдираётган” маъносини билдиради, биринчи компоненти предметлик ва жонлилик маъносига эга бўлиб, у ўлдириладиган объектни кўрсатади. Бу компонент билан ясалган бошқа кўшма сўзлар қуйидагилар: *suicide, viticide, valpicide, fungicide, parasiticide, germicide, felicide*.

Кўриниб турибдики, бу ерда санаб ўтилган кўшма сўзлар референциал маъноси доимийлик ва ўзгармаслик табиатига эга. Бу доимийлик эса шу турдаги янги кўшма сўзларни ясашга модел бўлиб хизмат қилади.

*Democracy* (халқ хоқимияти), *stratocracy* (ҳарбий хоқимият), *ergatocracy* (ишчилар хоқимияти), *gynocracy* (аёллар ҳукмронлиги), *monocracy* (якка ҳукмронлик), *foolocracy* (аҳмоқлар ҳукмронлиги), *pedantocracy* (чаласавод педантлар ҳукмронлиги), *technocracy* (технократия), *aristocrat* (аристократ), *democrat* (демократик партия аъзоси), *landocrat* (катта ер эгаси), *technocrat* (техник экспертлар ҳукмронлигини кўллаб қувватловчи), *autocrat* (чекланмаган ҳукмронликни ўз қўлига олган ҳукмдор).

Бу кўшма сўзлар референциал маъноларининг таҳлили шуни кўрсатадики, агар аввалги гуруҳларда, яъни *-cide, -cracy* лар билан ясалган кўшма сўзларда иккинчи компонент референциал маъноси ўзгармас ҳарактерга эга бўлган бўлса, бу гуруҳга яъни иккинчи компоненти *-crat* бўлган сўзларда юқоридаги ҳолат кузатилмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, бу ердаги иккинчи элемент референциал маъноси “биринчи элементда кўрсатилган нарсанинг эгаси” каби маънодан, яъни нисбатан пассив эга шахсдан, то “жуда фаол, ҳукмронлик ишини катта ҳажмда олиб борувчи ўта фаол, шунинг

оқибатида салбий оттенкага эга бўлган шахсни билдириш” даражасидаги катта кўламдаги референциал маънога эгадир. Бу иккинчи элементнинг функционал жиҳатдан фаоллиги тил системасига янги-янги кўшма сўзларни пайдо бўлишига олиб келган.

Кейинги мисоллар гуруҳининг таҳлилига ўтамиз. Бу кўшма сўзларнинг иккинчи компоненти *-gram* бўлиб, у махсус курилмалар ёрдамида бирор нарсани ёзиб олишни билдиради. Масалан: *roentgenogram* (флюорографик ёзув), *aerogram*, *marconigram*, *radiogram*, *cablogram*. Бу каби сўзларда ёзувнинг қайси йўл билан амалга оширилиши ҳақида сўз юритилади. Бу элемент билан ясалган яна бир гуруҳ сўзларда ниманинг ёзуви амалга оширилганлиги кўрсатилади. Масалан: *sphygmogram* — юрак уришининг ёзуви; *shygmogram* — пульс, пульсация; *thermogram* — бирор бир муҳит ҳароратининг ёзуви; *heliogram* — қуёш юритишни давомийлигини ёзиш; *scpectrogram* — спектрни акс эттирувчи ёзув; *palatogram* — талаффуз вақтида танглайнинг ўзгаришларини ёзиб олиш; *phonogram* — овозни ёзиб олиш ва уни қайта эшиттириш.

Юқорида айтиб ўтилган кўшма сўзларнинг элементи бўлган *-gram*нинг референциал маъноси жараёнини билдирган бўлса, бу унинг ягона маъноси эмас. Бу элемент томонидан билдириладиган референциал маънонинг яна бир тури “ҳарф, белги” маъносидир. Масалан: *anagram* (сўзда ҳарфлар жойлашиш тартибини алмаштириш), *logogram* (стенография ёзуви вақтида ҳарфлар урнига ишлатиладиган белги), *monogram* (бирор кимса исми, шарифи ва отасининг исми бош ҳарфларини бир-бирига қўшиб ёзилган шакли), *hexagram* (гексаграм), *parallelogram* (параллелограм), *polygram* (полиграм) сўзларида

*-gram* элементи “чизик” маъносини билдиради. Булар жумласига *tengram* сўзи ҳам киритилиб, унинг маъноси “маълум бир фигураларни тузиш йўли билан ечиладиган Хитой бошқотирмаси”дир.

Навбатдаги сўз — *graph* бўлиб, бу ўзак морфема тўрт хил референциал маънони билдиради. 1) ўзи ёзар асбоб, аппарат маъносини билдиради: *phonograph* — овоз ёзиш асбоби;

*Spectrograph* — спектрларнинг суратини олишга ишлатиладиган асбоб;

*Chonograph* — вақт ораликларини қайд қилишга ишлатиладиган асбоб;

*Spirograph* — пациентлар ўпкаси ҳаво сиғимини ўлчашга ишлатиладиган асбоб.

2) тасвир, сурат, гравира маъносини билдиради:

*Xylograph* — ёғочга, дарахтга ўйиб ишланган сурат;

*Lithograph* — тошга ўйиб ишланган сурат.

3) ёзув, ёзилган нарса:

*Autograph* — ўзи-ўзича ёзилган ёзув, ўз-ўзидан пайдо бўлган ёзув;

*Petrograph* — қояга ўйиб ёзилган ёзув;

*Critograph* — шифрланган хат.

4) ҳарф, белги маъносини билдиради:

*Digraph* — бир товушни ифода қилувчи икки ҳарф;

*Ideograph* — тушунчани ифодаловчи ёзма белги;

*Pictograph* — расмли ёзув.

Иккинчи элемент референциал маъносида рўй берган ўзгаришлар бу ўзак морфема функционал қўлланилиш кўламининг кенгайиб бориши билан изоҳланади. Бундай кенгайиш натижасида яна бир қанча сўзлар пайдо бўлди. Масалан: *barograph*, *mutograph*, *meteograph*, *radiograph*, *typograph*, *electrograph* ва ҳоказо.

Кейинги кўшма сўзлар серияси *mania* элементи билан ясалган

қўшма сўзлардир. *Bibliomania, Anglomania, gallomania, Germanomania, Graccommunia, Teutonomania*. Бу каби ҳолатлар бошқа қўшма отларнинг элементлари билан ҳам содир бўлади. Масалан: *landscape* қўшма сўзининг иккинчи элементи — *scare* қўлаб бошқа сўзлар билан қушилган ҳолда янги қўшма сўзлар яратди. Бўларнинг барчасида қўшма сўз билдираётган маъно кўлами кенгайиши бу элементнинг функционал сферасининг кенгайиши билан изоҳланади. Агар янги ясамаларга эътибор берсак, *earthscape* — ер планетасининг пейзажи туширилган сурат, *seascape* — денгиз тасвири туширилган сурат, *cloudscape* — булутлар тасвирланган пейзаж, *landscape* — сахро, кенг кумликлар тасвирланган сурат, *mountainscape* — тоғ манзараси чизилган сурат, *moonscape* — ой манзараси акс эттирилган сурат, *parkscape* — парк манзараси акс эттирилган сурат, *skyscape* — осмон манзараси акс эттирилган сурат, *waterscape* — сув манзараси чизилган сурат, *housescape* — уй манзараси чизилган сурат, *roadscape* — йўл манзараси чизилган сурат ва ҳоказоларда — *scare* элементининг функционал қўлланилиш кўлами нутқда кенгайганлигидан далолат беради.

Ҳозирги замон инглиз тили сўзлашув нутқида, оммавий ахборот воситалари тилида ҳамда реклама ахборот воситалари тилида кўп ишлатиладиган сўз ясаш воситаси *worthy* элементи бўлиб, бу сўз ўз референциал маъносини тўла сақлаган ҳолда янги сўзлар билан бирикиб янги қўшма сўзлар яратади. Масалан: *seaworthy* — денгизга олиб чиқишга арзийдиган кема ёки қайик; *roadworthy* — йўлга олиб чиқишга арзийдиган ёки йўл курса арзийдиган; *blameworthy* — айбланишга арзийдиган, айбланишга тўла асосга эга бўлган; *trustworthy* — ишончга лойиқ, ишончга сазовор; *newsworthy* — янгилик сифатида айтишга арзийдиган. Бундан ташқари иккиламчи деривация натижасида янги сўзлар “*unroadworthy*” яралди. *The car is unroadworthy* — Бу машина ёмон йўлларда ҳам юраверади.

Референциал маъноси қисман ўзгарган ҳолда янги сўз ясашда фаол иштирок этган сўзлардан яна бири — *happy* сўзи бўлиб, унинг деривацион потенциали кенгайиб нутқда фаоллашувни бошидан кечирди. Бу фаоллашувнинг натижаси сифатида қуйидаги сўзларга эга бўлди: *slaphappy* — қаттиқ зарба еб нокаутга учраган боксер, *bark-happy* — вовуллаб чарчамайдиган ёки зерикмайдиган кўрикчи ит, *stripe-happy* — унвони оширилишини жуда хоҳлайдиган унвон жинниси, *trigger-happy* — арзимайдиган сабаб, баҳона билан тўшпончага ёпишадиган одам, кўчма маъноси ўзини боса олмайдиган, ўпкаси йўқ, ҳовлиқма одам, *fight-happy* — курашиб чарчамайдиган, кураш тушишни яхши кўрадиган одам, *dollar-happy* — пулни жонидан ортиқ севадиган одам.

Бу сўзга функционал жиҳатдан ўхшаш бўлган сўз *crazy* дир. Бу сўз ҳам маъно жиҳатидан *happy* га яқинроқ туради ва у “бирор нарсанинг ўта ишқибози, жинниси” маъносини беради. Масалан: *girl-crazy* — қизларнинг кетидан юришни яхши кўрадиган йигит, *boy-crazy* — йигитларни яхши кўрадиган қиз, *stir-crazy* — камокхонада ўтиравериб озодликни унутаёзган маҳбус, *fight-crazy* — кураш жинниси, *stage-crazy* — сахна жинниси. Бу каби қўшма-ясама сўзларнинг бир гуруҳи турли феълларнинг сифатдош II шакллари ёрдамида ясалган. Масалан: *stage-struck, movie-struck, girl-struck, security-minded, social-minded, federation-minded*.

Яна бир қанча гуруҳлар *jokey* сўзининг функционал доираси кенгайиши оқибатида юзага келган. Масалан: *ploughjokey* (фермер). Бу сўзнинг сўзма-сўз таржимаси (“шудгорни бошқарадиган, олиб борадиган одам” бўлиб чиқади). *Bus-jokey* (автобус хайдовчиси); *jet-jokey* (реактив самолёт учувчиси); *chopper-jokey* (вертолет учувчиси).



Шу каби қўшма сўзларнинг яна бир гуруҳи *pot* сўзининг функционал сферасининг кенгайиши оқибатида пайдо бўлган. Масалан: *rumpot* (ичкиликбоз, ромга роса тўйган, бўкиб қолгунча ичган, сўзма-сўз таржимаси эса ром бочкаси ёки қозон), *crackpot* (думбул, мияси айниган одам, сўзма-сўз таржимаси дарз кетган қозон, бочка), *fuss-pot* (ваҳиманинг уяси, ваҳимачи одам), *stinkpot* (ёқимсиз одам, сасиган қозон, бочка).

Функционал жиҳатдан кенгайган ва бунинг оқибатида янги ясама сўзлар пайдо бўлишига олиб келган яна бир сўз *monkey* дир. Бу компонент билан ҳам қатор идиоматик қўшма сўзлар ясалганки, уларнинг маъносида *monkey* сўзининг маъносидан деярли ҳеч нарса қолмади. Масалан: *roadmonkey* (йўл қурилиш ишчиси), *broonmonkey* (пол супурувчи одам), *powdermonkey* (қўпоров ишлари ишчиси).

Бу каби қўшма сўзларнинг нимага асосланган ҳолда пайдо бўлганини изоҳлаб, тушунтириб бериш жуда қийин, чунки йўл қурилиши ишчиси билан маймун ўртасида бирор-бир яқинлик ёки умумийликни топиш жуда мушкул.

Шу каби сўзлардан яна бири *bait* сўзи бўлиб, у ўлжани ўзига тортадиган, илинтирадиган нарса маъносини беради. Аммо бу элемент билан ясалган сўзларда бу маъно қисман бўлсада асос билан ясама сўз маъноси ўртасидаги фарқ жуда каттадир. Масалан: *jailbait* (турмада ошно тутилган дўстлар), *draftbait* (армиядаги хизматда дўст тутинганлар), *museum-bait* (аломат, бу дунёда топилмайдиган галати бир феълли одам).

Функционал жиҳатдан кенгайишни бошдан кечирган яна бир сўз бу *job* сўзидир. Ўзининг луғавий, нейтрал маъноси “иш” бўлган бу сўз бириккан ҳолда шундай сўзлар ясаганки, дастлабки маъносидан ҳеч қандай ном-нишон қолмаган. Масалан: *blowjob* “реактив самолёт” балки бу сўзнинг келиб чиқишига реактив самолётларнинг турли сабабларга кўра портлаб кетиши бошқа турдаги самолётларга караганда кўпроқ содир бўлганлиги сабабидир. Унда *mental-job* “ақлан заиф, томи кетган одам” маъносида асос нимага қаратилганини айтиш қийин. *Show-job* қўшма сўзининг маъноси “хушомадгўйли йўли билан бировнинг ишончига кириш, ишончга сазовор бўлиш” бўлса, бу ерда бу томоша сўзининг айрим бир кимсага тегишли эканлигини матндангина билиш мумкин ҳолос.

Сўз яшаш соҳасида ўз функционал фаоллигини кескин оширган сўзлардан бири *fiend* сўзидир. Унинг дастлабки луғавий маъноси 1) иблис, ёвуз рух, дев 2) инсоният душмани 3) ёвуз 4) одат кули 5) ташаббускордир.

Қўшма сўз таркибида бу сўзнинг маъноси бир оз ўзгаради ва қуйидаги сўзлар ҳосил бўлади: *drugfiend* — наркоман, банги, *cigarettefiend* — қўп чекувчи, *fresh-air-fiend* — тоза ҳаво кули, *golf-fiend* — гольф жинниси, *autographfiend* — автограф олиш дарди бор одам, *dopefiend* — нашаванд, банги, *cocaine-fiend* — кокаин кули.

*Craft* сўзининг дастлабки луғавий маъноси: 1) ҳунар 2) қобилият, эпчиллик, санъат бўлиб кейинроқ қўшма сўзнинг таркибий элементи бўлиб хизмат қилган пайтда унинг маъноси деярли бутунлай сақланиб қолган. Масалан: *witchcraft* — жодугарлик илми, *smithcraft* — темирчилик, *statecraft* — давлатчилик. Бу хоссаси билан бу гуруҳ аввалги гуруҳдан фарқ қилади.

**Хулоса.** мақола сўнгида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Қўшма сўзлар маъно ва қўлланиш қўламини коммуникатив-прагматик нуқтаи назаридан ўрганиш уларнинг структуравий семантик ва функционал аспектларини нафақат тилда, балки шаклан хилма-хил

бўлган нутқда фаоллашуви ва мавжуд бўлиш қонуниятларини очиб беради.

- Қўшма сўзлар мураккаб ҳаётий ҳолатларни икки ёки уч ўзак морфема бирлаштириб бир структура шаклига олиб келиниши йўли билан ясаладиган тил бирликлари бўлганлиги учун уларнинг аҳамияти нутқда ва янги ҳолатларни номлашда катта аҳамият касб этади.

- Айрим ўринларда ўзининг бераётган ахбороти ҳажми билан ҳамда, ўзи ташиб келган мулоқот нуктаи назаридан қўшма сўзлар каттароқ тил бирликлари бўлмиш сўз бирикмаси ва хатто гапга тенг келади.

- Тил тизимида қўшма отларнинг бажарган вазифаси бу нутқ жараёнида тежамкорлик тамойилини оширишга хизмат қилади. Бу эса синтактик компрессия (сикиқлик) га олиб келади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Карашук П.М. Словообразование английского языка. — Москва: Высшая школа, 1977. — 303 с.
2. Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. — Тошкент: Фан, 1982. — 233б.
3. Солиев И. Тиллараро типологик шахс категориясини ифодалашда қўшма сўзларнинг роли // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001, — № 6, — Б. 83-85.
4. Тухтаева К. Структура и семантико-номинативные характеристики сложных слов, входящий в состав фразеологизмов. Дисс...кан.фил.наук. Навои. 2002. — 176 с.
5. Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигида қўшма сўзлар билан боғлиқ масалаларнинг ўрганилиш ҳолати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. — № 4. — Б. 27–32.

### References

1. Karatshuk P. M., *Slovoobrazovanie angliyskogo yazika* (Word formation of the English language Moscow: Higher school, 1977, 303 p.
2. Mamatov N., *Uzbek tilida qushma suzlar* (Joint words in the Uzbek language), Tashkent: Science, 1982, 233 p.
3. Soliev I., *Uzbek tili va adabiyoti*, 2001, №6, pp. 83-85,
4. Tuhtaeva K. *Struktura i semantiko-nominativnie xarakteristiki slojnih slov, vxodyatshiy v sostav frazeologizmov* (Structure and semantic-nominative characteristics of complex words that are part of phraseological units), Diss. Kan.phil.sciences'. Navoi, 2002, 176 p.
5. Hojiev A. *Uzbek tili va adabiyoti* № 4, 1988, pp. 27-32.